

МЕЛИБОВ Абдуғулом,
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
таянч докторанти,
Ҳадис илми мактаби ўқитувчиси

ХАНАФИЙ МАЗҲАБИ ФИҚҲ КИТОБЛАРИДА КАРОҲИЯТ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРИТИЛИШИ

РАЗЪЯСНЕНИЕ ВОПРОСОВ КАРАХИЯТА В КНИГАХ ПО ФИКХУ ХАНАФИТСКОЙ ШКОЛЫ

EXPLANATION OF THE ISSUES OF KARAHIYAT IN THE BOOKS OF FIQH OF THE HANAFI SCHOOL

Аннотация: Ушбу мақолада Ҳанафий мазҳаби фикҳ китобларида кароҳият масалаларининг қандай ёритилгани таҳлил қилинган. Мақолада турли фикҳий манбаларда кароҳиятга оид боб ва фасллар қандай номлангани, кароҳият тушунчасининг луғавий ва истилоҳий маънолари, макруҳи таҳримий ва макруҳи танзиҳийнинг фарқлари, кароҳиятнинг еб-ичиш, кийиниш, оилавий ва ижтимоий ҳаётдаги намоён бўлиши каби йўналишлари кенг қамраб олинган. Шунингдек, кароҳият масалалари инсоннинг ахлоқий камолотини таъминлашдаги ўрни ҳам таъкидланган.

Калим сўзлар: Ҳанафий мазҳаби, кароҳият, фикҳ, макруҳи таҳримий, макруҳи танзиҳий, фикҳий манбалар, ахлоқ, ижтимоий ҳаёт

Аннотация: В данной статье рассматривается освещение вопросов карахията в фикховских книгах ханафитского мазхаба. Проанализированы названия разделов, посвящённых карахияту в различных источниках, лексическое и терминологическое значение понятия, различия между макрух тахрими и макрух танзихи. Также описано проявление карахията в вопросах питания, одежды, семейной и общественной жизни. Отмечена роль карахията в формировании нравственных качеств человека.

Ключевые слова: Ханафитский мазхаб, карахият, фикх, макрух тахрими, макрух танзихи, фикховские источники, нравственность, общественная жизнь.

Abstract: This article explores how the concept of karāhiyyah (disapproval) is presented in the jurisprudential works of the Hanafi school. It analyzes

the different terminologies used for chapters on karāhiyyah, the lexical and technical definitions of the term, distinctions between makruh tahrimi and makruh tanzihi, and its application in matters of food, clothing, family, and social life. Furthermore, the article highlights the ethical and social significance of karāhiyyah in guiding human behavior.

Keywords: Hanafi school, karāhiyyah, fiqh, makruh tahrimi, makruh tanzihi, Islamic law, ethics, social conduct.

КИРИШ

Ислом ҳуқуқшунослигида инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳаётини тартибга солишчи қатор илмий қарашлар ва фикҳий қоидалар мавжуд. Бу қоидалар инсон феъл-атворини тозалаш, жамиятда ахлоқий меъёрларни қарор топтиришда муҳим ўрин тутadi. Улар орасида кароҳият масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Кароҳият – шариатда ҳаром деб баҳоланмаган, бироқ қилмаслик авфзал бўлган нарсаларга нисбатан ишлатиладиган тушунчадир. У инсонни шубҳали, хунук ва маънавий камолотига зид бўлган ҳолатлардан тийишга хизмат қилади.

Ҳанафий мазҳаби фикҳ китобларида кароҳият тушунчаси мукамал ва тартибли тарзда ёритилган. Турли фикҳий манбаларда “Кароҳият китоби”, “Ҳазар ва ибҳо”, “Истиҳсон” каби номлар билан келган бўлиб, ушбу бўлимларда еб-ичиш, кийиниш, оилавий ҳаёт, ижтимоий муносабатлар каби соҳалардаги макруҳ ишлар тавсифланган. Айниқса, макруҳи таҳримий ва макруҳи танзиҳий каби турларга бўлиниши фикҳий таҳлилларда муҳим ўрин тутadi.

Ушбу мақолада айнан Ҳанафий мазҳаби фикҳ китобларида кароҳият масалаларининг қандай ёритилгани, уларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари, турлари ва ҳаётнинг турли жабҳаларида намоён бўлиши таҳлил қилинади. Шу орқали кароҳиятнинг инсон ахлоқи ва диний маданиятидаги ўрнига чуқур назар ташланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳанафий мазҳаби фикҳ китобларининг деярли барчасида “Кароҳият китоби” мавжуд бўлиб, унда кароҳият масалалари ёритилади. Лекин “Кароҳият китоби” ёки кароҳият

масалалари турли атамалар билан номланади.

Имом Косоний ўзининг “Бадоеъ” китобида кароҳият масалалари жамланган китобни “Истиҳсон китоби” деб атаган. У кароҳият масалаларининг турлича номланиши ҳақида шундай дейди: “Ҳоҳида “Ҳазар ва ибҳоҳ китоби” деб номланади. Баъзан эса, “Кароҳат китоби” деб аталади. Бу китоб (яъни бу мавзу) борасидаги гаплар икки йўналишда бўлади. (Биринчиси) китоб номи ҳақида. (Иккинчиси) унда жамланган таъқиқ ва мубоҳ нарсалар ҳақида.

Биринчиси ҳақида гап кетганда الاستحسان [ал-истиҳсон] сўзи зикр қилинса, бир нарсанинг чиройли сифатга эга бўлиши назарда тутилади. Бундан ташқари истиҳсон қилувчининг феъли назарда тутилади. Яъни бир нарсани чиройли деб билишга айтилади. Масалан: استحسنْتُ كذا [истаҳсанту каза] – “Шу нарсани истиҳсон қилдим”, дегани, “Уни чиройли деб билдим”, деган маънони англатади. Бу китобнинг “Истиҳсон” деб номланиши сабаби унда келтирилган кўп ҳукмлар бошқаларида бўлмаган ҳусн (чиройли, гўзаллик) сифати билан хослангани бўлиши мумкин.

Бу китобнинг “Ҳазар ва ибҳоҳ” деб номланишига келсак, бу ҳолатда у ўз муқтазосига мувофиқ бўлади. Чунки у таъқиқланган ва мубоҳ бўлган нарсаларни баён қилишга хосланган бўлади. “Кароҳият” номи билан номланганда ҳам шундай. Чунки кўп ҳолатларда унда ҳаром қилинган нарсалар баён қилинади. Чунки الكراهة [ал-кароҳат] – кароҳат (ёқтирмаслик) калимаси المحبة [ал-маҳаббат] – муҳаббат ва الرضا [ар-ризо] – розиликнинг зиддидир. Аллоҳ таоло шундай дейди: “Шоядки ёқтирмаган нарсангиз сиз учун яхши бўлса. Ва шоядки ёқтирган нарсангиз сиз учун ёмон бўлса” (Бақара сураси, 216-оят). Шариат ҳаромни яхши кўрмайди ва унга рози бўлмайди. Қуръони карим ояти ёки бошқа қатъий далил билан ҳаромлиги собит бўлган нарсаларда Имом Муҳаммаднинг одати уни мутлақ ҳаром деб атайшдир. Ҳаромлиги оҳод хабарлар, саҳобаларнинг сўзлари сингари қатъий бўлмаган далиллар билан собит бўлган нарсаларни эса макруҳ деб атайди. Баъзан бирор нарсанинг ҳаромлиги қатъий эмас, балки зоҳир далил билан собит бўлса, шуни билдириш учун иккисини ҳам жамлаб “Ҳаром макруҳ” деб айтади” [1:5/118].

“Кароҳият китоби”ни олимлар асарларида турли номлар билан атаганлар. Жумладан, “Фатавои татархония”, “Тухфа” китобларида “Ҳазар ва ибҳоҳ” деб номланган. “Жомеъус сағир”, “Ҳидоя”, “Жомеъур румуз”, “Табйинул ҳақоик”, “Баззозия”, “Фатҳул Қодир”, “Мажмаъул анхур”, “Ихтиёр”, “Викоятур ривоя”, “Умдатур риоя” китобларида “Кароҳият китоби” дейилган. “Мабсут”, “Захира” ва “Бадоеъ”ларда эса “Истиҳсон китоби” дейилган.

Баъзилар бу бўлимни “Зухд вал вараъ” деб номлаган. “Фатавои ҳомидия”да “Масаилу шатта (турли масалалар)” номи билан келтирилган [13:17,18].

Имом Сарахсий “Мабсут”да шундай деган: “Кархий (рх.а.) китобида бу мавзунинг масалаларини келтириб уни “Ҳазар ва ибҳоҳ китоби” деб атаган. Чунки унда ҳалол ва ҳаром нарсаларнинг баёни бор. Агар китобни “Зухд ва диёнат китоби” деб атаганда тўғри бўлар эди. Чунки унда кўзни тийиш, ушлаш, қараш сингари ҳалол ва ҳаром ишлар зикр қилинган. Бу эса зухд ва диёнат ҳисобланади. Кейин китобни назар солиш масалалари билан бошлаган” [14:10/119].

الحظر [ал-ҳазору] калимаси “ман қилиш”, “ушлаб туриш”, деган маъноларни билдиради. Бу ўринда эса “Истеъмол қилишдан қайтарилган нарсалар”, деган мазмунни ифода қилади.

المحظور [ал-маҳзур] сўзи мубоҳнинг (яъни, рухсат этилган нарсанинг) зидди ҳисобланади.

المباح [ал-мубоҳ] бу мукаллафга уни қилиш ва қилмаслик ўртасида ихтиёр берилган нарсалар. Бунда савобга ҳам, азобга ҳам мустаҳик бўлмайди [13:18].

الإباحة [ал-ибаҳа] сўзининг маъноси “қўйиб юбориш”, “очиш”, “кишанни ечиш” маъноларини англатади.

Мубоҳ бу шариатда қилиш ҳам қилмаслик ҳам тенг бўлган нарсаларга айтилади. Бошқа бир таърифда эса, уни қилишга савоб, қилмасликка азоб алоқадор бўлмаган нарсалар, дейилган [13:19].

Мубоҳнинг жорий этилиш ҳикмати бу фарз ва мандуб амалларни қилиш, ҳаром ва макруҳ амаллардан сақланиш сингари ишлардан юзага келган қийинчиликдан кишини дам олдириш, унга енгиллик беришдир.

Мубоҳ ишлар яхши ният билан тоатга айланиши мумкин. Масалан Аллоҳ таолонинг

тоатига куч-қувват ҳосил қилиш учун тўйгунча таом ейиш. Хунук ният билан эса гуноҳга айланиши мумкин. Масалан, бировга такаббурлик қилиш ниятида дабдабали кийимларни кийиш.

Кароҳият сўзининг таърифи қуйидагича: **الكرهه** [ал-кароҳату] луғатда **كره** [кариҳа] – “ёқтирмади” феълининг ўзаги бўлиб, “ёқтирмаслик”, “ёмон кўриш” деган маъноларни англатади. Истилоҳда эса, шариат соҳибининг бир ишдан тийилишга нисбатан қатъий бўлмаган хитоби, дегани[4:34/221].

Имом Муҳаммад (р.х.а.)нинг наздида ҳар қандай (таҳримий) макруҳ ҳаром сингаридир. Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф (р.х.а.)лар наздида эса ҳаромга яқинроқ иш ҳисобланади.

Ибн Ҳумомнинг фикрига кўра Имом Муҳаммад (р.х.а.)нинг сўзида бироз мажоз бор. Чунки макруҳ ҳам жазо борасида ҳаром билан муштарак. Икки шайхнинг сўзи эса мажозий эмас, ҳақиқий маънода тушунилади. Чунки аниқки, Имом Муҳаммад (р.х.а.) ҳам вожиб ва макруҳни инкор қилган кишини куфрга ҳукм қилмайди. Фарз ва ҳаромни инкор қилган кишини эса куфрга ҳукм қилади[13:19]. Умуман олганда уч имомнинг бу борадаги сўзлари мазмунан бир хил.

Заркаший кароҳатнинг икки хил бўлишини айтган. Бири шариат юзасидан бўлган кароҳат бўлса, иккинчиси иршодий кароҳат бўлади. Яъни бирор дунёвий манфаат сабабидан бўлган кароҳат. Шаръий бўлмаган кароҳатга қўёшда исиган сувнинг макруҳлиги мисол бўлади[4:34/221].

Макруҳ икки қисмга бўлинади: таҳримий ва танзихийга.

Макруҳи таҳримий бу вожиб амали фарз амалига қай даражада яқин бўлса, у ҳам ҳаромга нисбатан шундай ўрин эгаллайди.

Макруҳи танзихий эса ҳалолга яқин амал ҳисобланади. Яъни уни қилган киши азобланмайди. Лекин тарк қилган кишига кичик бўлса ҳам савоб бўлади[4:34/221, 13:21]. Макруҳи танзихий ҳалол ҳам эмас. Унинг ҳалол эмаслигидан ҳаромлик ёки макруҳи таҳримийлик келиб чиқмайди. Чунки макруҳи танзихий бу авлони тарк қилиш ҳисобланади.

Икки макруҳнинг ўртасини ажратиб берадиган нарса ҳақида Кўхистоний шундай деган: “Агар ундаги асл нарса ҳаромлик бўлса-ю, оммаи балво туфайди ҳаромлик

соқит бўлган бўлса, макруҳи танзихий бўлади. Масалан мушукнинг саркити каби. Агар бундай бўлмаса, макруҳи таҳримий бўлади. Масалан эшакларнинг гўшти. Агар асл ҳукм мубоҳлик бўлиб, уни мубоҳликдан чиқариб юборадиган ҳолат унга қарши келиб қолса ва ҳаром қилувчи сабаб борлиги гумонга ғолиб келса, макруҳи таҳримий бўлади. Бунга нажосат ейдиган сигирнинг саркити мисол бўлади. Аксинча бўлса, йиртқич қушларнинг саркити сингари макруҳи танзихий бўлади” [13:21].

Ибн Обидин (р.х.а.) шундай деган: “Макруҳ маҳбубнинг зидди. Баъзан (макруҳ атамасини) ҳаромга ҳам ишлатилади. Масалан Қудурий (р.х.а.)нинг “Мухтасар” асарида: “Ким ўз уйида жума кун имомнинг намозидан (яъни имом жума намозини ўқишидан) илгари пешинни ўқиса ва унинг узри бўлмаса, унга бу макруҳ бўлади”, деган. Уни макруҳи таҳримийга ҳам ишлатилади. Макруҳи таҳримий бу ҳаромга яқин амалдир. Уни Имом Муҳаммад (р.х.а.) зонний ҳаром деб атайди. Макруҳ сўзини макруҳи танзихийга ҳам ишлатилади. Танзихий бу қилишдан кўра тарки авло бўлган нарса. “Хилофул авло” атамасига синоним бўлади” [6:1/131].

Бундан ташқари Ибн Обидин (р.х.а.) “Макруҳ” сўзи агар мутлақ келтирилса ундан ҳаром назарда тутилишини, агар аниқ лафз билан келтирилган бўлса, макруҳи танзихий тушунилишини айтиб ўтган [6:1/224].

Фикҳ китобларида кароҳият масалалари ёритилишида қандай боб ва фаслларга бўлиниши ҳамда қайси мавзулар ёритилишини кўриб чиқамиз.

1. “Ҳидоя”. “Кароҳият китоби”.

- Ейиш ва ичиш ҳақидаги фасл;

- Либос ҳақидаги фасл;

- Ватий, назар солиш ва ушлаш ҳақидаги фасл;

- Истибро ва бошқа масалалар ҳақидаги фасл;

- Бай (савдо-сотик) ҳақидаги фасл;

- Турли масалалар [10:4/90-127].

2. “Ихтиёр”. “Кароҳият китоби”.

- Аврат жойларга қараш ва тегиниш;

- Кийим ва тақинчоқлар ичида эркак ва аёлга ҳалол бўлган ҳамда ҳалол бўлмаганлари;

- Ихтикор, қорабозор;

- Турли масалалар. Мусулмон одоби, мусобақа ва бошқалар;

- Даромад;
- Озиқ-овқат;
- Кийим;
- Ваъда бериш [12:4/163-194].
- 3. “Мултақол абхур”. “Кароҳият китоби”.
- Емоқ-ичмоқ;
- Касб;
- Кийим-кечак;
- Эркак ва аёлларга қарашнинг чегараси;
- Истибро;
- Баъзи нарсаларни сотишга оид масалалар;
- Турли масалалар: ўйинлар, кўнгилочар

нарсалар, ваъда бериш, соқол олиш, тирноқ олиш, мусобақа ва бошқалар [15:2/523-549].

4. “Роддул мухтор”. “Ҳазар ва ибоба китоби”.

- Кийим;
- Қараш ва тегишиш;
- Истибро ва бошқа масалалар;
- Харид қилиш [6:6/336-431].
- 5. “Фатҳул Қодир”. “Кароҳият китоби”.
- Емоқ-ичмоқ;
- Кийим;
- Ватий, қараш ва тегишиш;
- Олди-сотди;
- Турли масалалар [8:10/3-82].

6. “Мухтасари Қурдурий”. “Ҳазар ва ибоба китоби”. “Мухтасари Қурдурий”да бу бўлим фасл ёки бобларга бўлинмаган. Лекин масалалар тартиб билан баён қилиб кетилган. Масалан, эркак ва аёлларга қандай кийимлар кийиш ҳалол ва қандай кийим кийиш жоиз эмаслиги, қандай идишларни ишлатиш жоиз ва қандайлари ножоизлиги, ҳайвонни бичиш, назар солиш масалалари, ихтикор ва савдо масалалари келтирилган [9:235-237].

7. “Викоя”. “Кароҳият китоби”.

- Ейиш ва ичиш ҳақидаги фасл;
- Кийим ҳақидаги фасл;
- Назар солиш, тегишиш ва ватий ҳақидаги фасл;
- Истибро ва бошқа нарсалар ҳақидаги фасл;
- Савдо ҳақидаги фасл [5:176-179].
- 8. “Мухтор”. “Кароҳият китоби”.
- Ихтикор ҳақидаги фасл;
- Фасл (Мусобақа ва шу каби масалалар келтирилган).
- Касб ҳақидаги фасл.
- Фасл (кийинишга оид масалалар).
- Фасл (гапириш ўринли ва ноўрин бўлган ҳолатлар) [12:152-156].

9. “Канзуд дақоик”. “Кароҳият китоби”.

- Ейиш ва ичиш ҳақидаги фасл;
- Кийим ҳақидаги фасл;
- Назар солиш ва тегишиш ҳақидаги фасл;
- Истибро ва бошқа нарсалар ҳақидаги фасл;
- Савдо ҳақидаги фасл [3:256-260].

Юқорида келтирилган маълумотлардан билиб олиш мумкин, фикҳ китобларининг “Кароҳият” бобида баён қилинган мавзулар деярли бир-бирига мос келади. Фикҳ китобларида тилга олинган кароҳият масалалари қуйидаги тўртта мавзуга тегишли эканини кўриш мумкин:

1. Ейиш ва ичишга тегишли масалалар;
2. Кийим ва кийинишга доир масалалар;
3. Кундалик ва оилавий ҳаёт билан боғлиқ масалалар;
4. Ижимоий ҳаётда учрайдиган муаммолар.

1. Ейиш ва ичишга тегишли масалалар.

Бу бобда Қурони Карим ва суннатда еб-ичиш ман этилган нарсалар, унинг турлари, зарурат ва кенгликда қандай таомланиш, ейишнинг одоблари, зиёфат одоблари, ейишдаги макруҳ ишлар ва бошқалар ёритилади. Ейиш ва ичишга доир масалаларни биринчи бўлиб ёритилишининг сабаби, инсон емоқ ва ичмоққа бўлган эҳтиёжи бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёжидан кўра кўпроқ бўлади. Шунинг учун аксар фикҳ китобларида бу масалалар биринчи бўлиб келтирилади.

Ушбу бобда келтирилган масалалардан бирини кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади. “Ад-дурарул мубоҳа фил ҳазар вал ибоба” китобида ейишнинг турларини беш қисмга бўлиб зикр қилади. Улар қуйидагилар:

1. Ейиш фарз бўлган ҳолат. Кишига ўзини ҳалокатдан сақлайдиган, тик туриб намоз ўқий оладиган миқдорда таомланиш фарз бўлади. Агар еб-ичишни буткул тарк қилиб, вафот этса, гуноҳкор бўлади. Чунки бу орқали инсон жонини ҳалокатга дучор қилган бўлади. Қуръони каримнинг “Ўзингизни ҳалокатга дучор қилманг” (Бақара сураси, 195-оят) оятида бундан қайтарилган.

2. Мандуб. Илм ўрганиш ва таълим олишга ёрдам берадиган миқдорда ейиш.

3. Мубоҳ. Қуввати ошиши учун тўйгунча ейиш.

4. Макруҳ. Бу киши тўйганидан кейин танага зарар етмайдиган миқдорда бироз ортиқча ейиши.

5. Ҳаром. Бу тўйгандан кейин ҳам таом еявериш. Лекин эртанги куннинг рўзасига қувват ҳосил қилишни қасд қилса ёки меҳмон хижолат бўлмаслиги ва шу каби сабаблар билан еса бундан мустасно [13:23,24].

Бундан ташқари истеъмол қилиш кишига зарар қиладиган нарсаларнинг тури ҳам келтирилган. Уларни уч қисмга бўлинган:

1. Зарари аниқ ва ҳалок қилувчи бўлган нарсалар. Масалан, захар, шиша, темир ва шу сингари нарсалар. Буларни ейиш ҳам, суюқ ҳолда ичиш ҳам ҳаром бўлади.

2. Зарари аниқ, лекин ҳалок қилмайдиган нарсалар. Масалан, тупроқ, тош ва шу каби нарсалар. Уларни ейиш ҳам, суюқ ҳолда ичиш ҳам макруҳ бўлади. Сувда бўладиган оз миқдордаги тупроқ бундан мустасно.

3. Зарари аниқ бўлмаган нарсалар. Булар мижозларга таъсир қилиши ва зарар бериши мумкин. Бошқа ҳеч қандай зарари йўқ. Масалан совуқ мижозли кишиларга балиқ ва сут истеъмол қилиш зарар етказиши мумкин. Иссиқ мижозли кишиларга эса асал ичиш, ёғ истеъмол қилиш, қалампир ва шу каби нарсалар зарар бериши мумкин. Бундай нарсаларни истеъмол қилиш ҳаром ҳам, макруҳ ҳам эмас. Лекин бу каби маҳсулотларни истеъмол қилганда мижози ўзгаришини билган киши уни тарқ қилиш керак бўлади. Чунки бундай нарсаларни кўп истеъмол қилиш қаттиқ касалликларга олиб бориши мумкин [13:97,98].

2. Кийим ва кийинишга доир масалалар.

Кийинишни ҳам бир қанча турларга бўлинган. Жумладан:

1. Фарз бўлган ҳолат. Бунда авратни тўсадиган, иссиқ ва совуқдан сақлайдиган ҳолатда кийиниш керак бўлади.

2. Мустаҳаб. Зийнатланиш ва Аллоҳ таолонинг неъматини намоён қилиш учун кўшимча кийиниш. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ бандасида Ўз неъматининг асарини кўришни яхши кўради”, деганлар [2:4/421].

3. Мубоҳ. Байрамлар, жума намозлари ва одамлар тўпланадиган жойларда чиройли кийимларни кийиш. Ҳамма вақт ҳам бундай безаниб дабдабали кийимларни кийиш ҳам яхши эмас. Чунки бу кибрланишга кириб қолиши мумкин. Баъзан муҳтож кишилар бундан азият чекиши мумкин. Бундан сақланган яхши.

4. Макруҳ. Такаббурлик мақсадида кийиниш [11:4/189, 6:6/351, 13:116,117].

3. Кундалик ва оилавий ҳаёт билан боғлиқ масалалар;

- Назар солиш ва тегиниш ҳақидаги фасл;

Назар солиш борасидаги масалалар тўртга бўлинади:

1. Эркакнинг аёлга назар солиши;

2. Аёлнинг эркакка назар солиши;

3. Эркакнинг эркакка назар солиши;

4. Аёлнинг аёлга назар солиши;

Биринчиси: эркакнинг аёлга назар солиши ҳам тўрт қисмга бўлинади: эркак бегона ҳур аёлга қараши, эркак ўзи учун ҳалол бўлган: хотини ва канизаги каби аёлларга қараши, эркак киши маҳрамларига қараши, эркак киши бошқанинг канизагига қараши.

Эркак бегона ҳур аёлнинг, гарчи аёл кофир бўлса ҳам, юзи ва икки кафтига зарурат юзасидангина қараши жоиз. Баъзи олимлар айтади: “Эркак бегона аёлни нонвойлик, ошпазлик ҳамда кийим ювиш каби ишларга ишчи қилиб олса ана шу аёлнинг қадами, кафтидан тирсагигача бўлган қисмига қараши жоиз. Чунки анашундай ишларда зикр қилинган тана азоларини очишга эҳтиёж тушади”.

Ёш аёл юзини очиб юришидан қайтарилади. Сабаби юз аврат экани эмас, фитна бўлиш хавфи юзасидан шундайдир. Табиб бегона бемор аёлнинг касаллик мавжуд бўлган жойига қараши зарурат миқдорида, мубоҳдир. Доя, хатна қилувчилар ҳам худди шу ҳукмда.

Иккинчиси: эркак киши ўз хотини ва канизагининг бутун баданига қарайверади. Бошидан то оёқ учига қадар, шаҳват билан қараса ҳам жоиз. Худди шундай хотин эрига, канизак хожасига ҳам.

Учинчи: эркак киши аёллардан никоҳи ҳаром қилинган яқин қариндошларининг боши, юзи, кўкси, болдири ва билагига қараса жоиз, аммо бунда эркак томондан ҳам ҳалиги қариндоши томондан ҳам шаҳват бўлмаслиги шарт қилинади. Лекин бел, қорин, сон ва шу каби азоларга қараш жоиз эмас.

Тўртинчи: эркак киши бегонанинг чўрисига қараши ҳукми қариндош маҳрамларига қараш ҳукми билан бир хил. Чунки чўрилар хожасининг хизмати сабаб меҳмонларга хизмат қилиш каби ишларда бўлади ва бу бироз кенгчиликни талаб этади.

Ижтимоий ҳаётдаги масалалар инсон ҳаётининг асосий қисмини ташкил қилади. Фикҳий ҳукмларнинг кўп қисми ҳам айнан ижтимоий масалалар, муомалот масалаларига оиддир. Масалалар қанча кўпайса ундаги жоиз ва ножоиз кўринишлар шунча ортади. Шунга кўра ижтимоий масалалардаги ножоиз, макруҳ амалларни яхши ўрганиш соғлом ҳаёт кечириш ва жамият билан тўғри алоқага киришиш кафолати бўлади. Ижтимоий ҳаётда учрайдиган муаммолар макруҳ амаллардан биттасини мисол тариқасида келтирамиз:

Ихтикор масаласида ҳам бир қатор ҳукмлар баён этилган. Бирор киши инсонлар озиқ-овқати ва ҳайвонлар емишидан ниманики сотиб олса, шу сабабдан нархлар кўтарилишини кутса ихтикор бўлади [13:603]. Ибн Обидин (р.х.а.) ихтикор бир шаҳар аҳлига зарар берса макруҳ, зарар бермаса макруҳ эмаслигини айтган [13:603]. Ихтикор қилувчи киши шариатда қораланган (яъни лаънатланган). Дон-дун билан ёлғиз ўзи савдо қиладиган киши камдан кам ҳолда ихтикордан сақланиши мумкин. Ихтикор кузатилганда имом доннинг нарҳини белгилаб бериши мумкин бўлади, аммо бунда дон сотувчилар ўта ҳаддан ошган бўлиши шарт қилинади. Мана шундай ҳолат кузатилса қози дон ишини яхши тушунадиган кишилар билан маслаҳатлашган ҳолда маълум бир нарх белгилайди. Бундан ташқари донни шаҳар аҳолисига сотмаслик ҳам тақиқланади. Шаҳар ташқарисидан келганларга сотилмайди [13:608].

ХУЛОСА

Ҳанафий мазҳабида кароҳият инсон ҳаётининг барча соҳаларида қўлланиладиган қоида бўлиб, у диний, ахлоқий ва ижтимоий тартибни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Кароҳият инсонни шубҳали ишлардан сақлаб, ҳалол ва пок ҳаёт тарзига йўналтиради. Шу сабабли, Ҳанафий мазҳабида кароҳият тушунчаси фақат фикҳий ҳукм бўлиб қолмай, балки ахлоқий ва ижтимоий тарбиянинг бир қисми сифатида ҳам қаралади.

Турли фикҳ китобларида кароҳиятга оид масалалар еб-ичиш, кийиниш, оилавий муносабатлар, ижтимоий алоқалар каби ҳаётнинг муҳим жабҳаларида кўриб чиқилган. Ушбу масалаларда шариатнинг мақсадларига мос равишда инсон ўзини ҳавои нафс ва

гуноҳдан асраш, одоб-ахлоқни юксалтириш, жамиятда покликни таъминлаш каби мақсадлар кўзланган.

Фикҳ манбаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, макруҳи таҳримий ва макруҳи танзихий каби тоифаларга бўлинган кароҳият масалалари шариат ҳукмларини янада аниқ ва мукамал талқин этишда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, макруҳ амалларнинг баён этилиши инсоннинг ҳар томонлама соғлом ва ахлоқий тоза ҳаёт кечиришига йўл очади. Бу эса фикҳ илмларининг маънавий тарбия билан чамбарчас боғлиқ эканини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Абу Бакр Косоний. Бадоеъус саноеъ. – Байрут: Дорул кутубил илмия. 1986.
2. Абу Исо Термизий. Сунани Термизий. – Байрут: Дорул ғарб ал-Исламий, 1998.
3. Абул Баракот Насафий. Канзуд дақоик. Ал-Мутунул ҳанафия лис-садатинал ҳанафия. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2018.
4. Ал-Мавсуъатул фикҳия. – Қувайт: Дорус сафва, 1995.
5. Бурҳонушшариа. Викоъ. Ал-Мутунул ҳанафия лис-садатинал ҳанафия. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2018.
6. Ибн Обидин. Ҳошияту Роддил мухтор. – Байрут: Дорул фикр, 2000.
7. Fatma Betul Satoglu. Islam hukukunda istihsan ve kerahiyet. – Bursa: 2004.
8. Ибн Ҳумом. Фатҳул Қодир. – Байрут: Дорул фикр, 2009.
9. Қудурий. Мухтасари Қудурий. Ал-Мутунул ҳанафия лис-садатинал ҳанафия. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2018.
10. Марғилоний. Ҳидоя. – Карачи: Бушро, 2017.
11. Мавсилиий. Ал-Мухтор лил-фатаво. Ал-Мутунул ҳанафия лис-садатинал ҳанафия. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2018.
12. Мавсилиий. Ихтиёр. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2005.
13. Нахловий. Ад-Дурулул мубоҳа фил ҳазари вал ибоҳа. – Урдун: Дорул фатх, 2021.
14. Сарахсий. Мабсут. – Байрут: Дорул фикр, 2000.
15. Ҳалабий. Мултақол абхур. – Байрут: Дорул ихёит туросил арабий. (нашр йили кўрсатилмаган).